



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ
ПРЕСС-СЛУЖБА ГОСУДАРСТВЕННОГО ТАМОЖЕННОГО
КОМИТЕТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

PRESS SERVICE OF THE STATE CUSTOMS COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

2019 йил 1 сентябрь. Давлат божхона қўмитаси. 100003. Тошкент шаҳри. Ислоҳ Каримов кўчаси 3 уй.
Тел: (+99878) 120-76-00, www.bojxona.uz, <https://t.me/customschannel>, <https://www.facebook.com/UZDBQ/>

ПРЕСС РЕЛИЗ

Қасамёдга содиқ ўғлонлар

Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида “Ҳарбий ва божхоначи қасамёди” ни қабул қилиш тантанали тадбири бўлиб ўтди

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари уюшмаси, ва турли жамоат ташкилотлари вакиллари, Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти, меҳнат фахрийлари, санъаткорлар, курсантларнинг ота-оналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз мадҳияси садолари остида бошланган тадбирда Давлат божхона қўмитаси Раиси, божхона хизмати генерал-майори М.Азимов сўзга чиқиб, халқимизнинг асрий орзуси бўлган мустақиллик туфайли меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимиз, айниқса ёшларимиз учун мисли кўрилмаган имкониятлар очилганини таъкидлади.

Тантанали тадбир – қасамёд қабул қилиш маросимининг Мустақиллик кунини ўтказилаётганидан ҳам ўзига хос маъно ва мазмун мужассам. Истиқол туфайли Ўзбекистон мустақил давлат ва озод юрт сифатида дунё ҳамжамятида ўз ўрнини топди. Бу кун қасамёд қабул қилаётган азиз курсантлар - мустақиллик фарзандларининг бир умр ёдида муҳрланиб қолиши. шубҳасиз.

Тадбирда таъкидланганидек, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойиллар негизида қоғозда эмас, амалда инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, олий таълим тизимидаги ислоҳатлар туфайли 2019 йилда Ўзбекистонда ОТМлар сони 110 тадан ошиб, олий таълим билан қамраб олиш даражаси 20 фоизга етказилди.

Божхона институтини бу йилги кириш балларининг 200 баллдан ошганлиги соғлом рақобат ва илмли ёшларнинг саралаб олинаётганидан далолат бермоқда. Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли Ватан ҳимояси йўлида алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ҳимоячилар фарзандлари, Темурбеклар мактаби битирувчиларига ишонч билдирилиб, имтиёз берилганлиги ҳам эътиборлидир.

Ҳозирда халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш тенденциялари ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигининг ошиб боришини ҳисобга олган ҳолда, божхона органлари кадрларини касбий тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3995 сонли қарори муҳим қадам бўлди.

Мазкур қарор билан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти сифатида қайта ташкил этилди ҳамда божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ихтисослаштирилган олий таълим ҳамда илмий-методик муассаса сифатида белгиланди.

Институтда божхона иши соҳасидаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш тизимини такомиллаштириш мақсадида божхона органлари учун кадрларни базавий ва амалий профессионал тайёрлаш, шунингдек, ўрнатилган тартибда стипендия тўлаш, моддий таъминот белгилашни таъминлаган ҳолда икки босқичли, яъни ўқиш муддати 4 йилдан иборат бўлган “Божхона иши” ва “Юриспруденция (иқтисодий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш)” йўналишлари бўйича бакалаврларни ҳамда ўқиш муддати 1 йил бўлган “Божхона иши (фаолият турлари бўйича)” ва “Солиқ ва божхона ҳуқуқи” мутахассисликлари бўйича магистрларни тайёрлаш амалга оширилади.

Тантанали тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатаси депутати Р.Ҳақимов, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Б.Очилов, шунингдек нурунийлар ва ота-оналар курсантларга келгусидаги ўқиш ва хизмат фаолиятида улкан зафарлар тилаб, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда бор куч-ғайратлари сафарбар этишга ва содиқ хизмат қилишга ундадилар.

Қасамёд маросими якунида таниқли санъаткорлар томонидан йиғилганларга концерт тадбири бўлиб ўтди.